

10-7-2020

FEATURES OF THE USE OF PILGRIMS FOR TOURISM IN THE FERGANA REGION

A M. Salimov

Tashkent Institute of Architecture and Civil Engineering

Sh F. Qosimova

Ferghana Polytechnic Institute

Q Q. Tursunov

Ferghana Polytechnic Institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/ferpi>

Recommended Citation

Salimov, A M.; Qosimova, Sh F.; and Tursunov, Q Q. (2020) "FEATURES OF THE USE OF PILGRIMS FOR TOURISM IN THE FERGANA REGION," *Scientific-technical journal*: Vol. 3 : Iss. 4 , Article 6.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/ferpi/vol3/iss4/6>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific-technical journal by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

FEATURES OF THE USE OF PILGRIMS FOR TOURISM IN THE FERGANA REGION

¹Salimov A.M., ²Qosimova Sh.F., ²Tursunov Q.Q.¹Tashkent Institute of Architecture and Civil Engineering,
²Ferghana Polytechnic InstituteОБ ОСОБЕННОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПАЛОМНИКОВ В ЦЕЛЯХ ТУРИЗМА В
ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ¹Салимов А.М., ²Қосимова Ш.Ф., ²Турсунов Қ.Қ.¹Ташкентский архитектурно-строительный институт
²Ферганский политехнический институтФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА ЗИЁРАТГОҲЛАРДАН ТУРИЗМ МАҚСАДИДА
ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ¹Салимов А.М., ²Қосимова Ш.Ф., ²Турсунов Қ.Қ.¹Тошкент Архитектура Курилиш Институти,
²Фарғона политехника институти,

Abstract. The article analyzes and gives recommendations on the current state, features and some restrictions on the use of pilgrims in the Ferghana valley for tourist purposes.

Keywords: tourism, pilgrimage, pilgrimage tourism, Holy places, recreational opportunities, recreation area, Ferghana valley.

Аннотация: В статье проанализированы и даны рекомендации по текущему состоянию, особенностям и некоторым ограничениям использования паломников Ферганской долины в туристических целях.

Ключевые слова: туризм, паломничество, паломнический туризм, святые места, рекреационные возможности, зона рекреации, Ферганская долина

Аннотация: Мақолада Фарғона водийсида жойлашган зиёратгоҳлардан туризм мақсадида фойдаланишнинг бугунги кундаги аҳволи, ўзига хосликлари ва баъзи чекланишлар аналитик усулда аниқланган ҳамда таклифлар берилган.

Таянч сўз ва иборалар: туризм, зиёратгоҳлар, зиёрат туризми, мукаддас кадамжолар, рекреацион имкониятлар, рекреацион ҳудуд, Фарғона водийси

Бугунги кунда мамлакатимизда туризмни миллий иқтисодийтни диверсификация қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибadorлигини оширишни таъминловчи стратегик тармоқлардан бири сифатида ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Виза режимининг либераллаштирилиши, чет эл фуқароларини рўйхатга олиш тартибининг соддалаштирилиши, туризм тармоғини ривожлантириш учун имтиёз ва преференциялар берилиши миллий туризм салоҳиятини ички ва ташқи бозорларда самарали тарғиб қилиш имконини берди. Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар туризм тармоғини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий асоснинг номукамаллиги, алоҳида туризм хизматларини кўрсатиш коидаларининг, шунингдек чет эл фуқароларининг тоифалари, бўлиш муддатлари ва мақсадлари бўйича дунё амалиётида кенг қўлланиладиган алоҳида виза режимларининг мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда. Шунингдек, жойлаштириш воситалари ва инфратузилма объектларининг, айниқса туризм мавсумида етишмаслиги, турли транспортларда

SOCIAL AND ECONOMIC SCIENCES

Йўловчиларни ташиш тизимининг етарли даражада мувофиқлаштирилмаганлиги, шунингдек, туристларни мавжуд туризм салоҳияти тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашни ташкиллаштириш даражасининг пастлиги, ички туризмни, мамлакат ҳудудларидаги маданий мерос объектларининг ва зиёратнинг ўзига хосликларини тарғиб қилиш бўйича маркетинг кампанияларининг самарасизлиги туризмни жадал ривожлантиришга салбий таъсир этаётган муаммолардандир.

Туризм бугунги кунда энг ривожланиб бораётган иқтисодийнинг нефт ва кимё саноатидан кейинги учинчи ўринни эгаллаб турган соҳалардан бири бўлиб, жаҳон ялпи маҳсулотининг 20 фоизи айнан туризм соҳасига тўғри келмоқда. Шунингдек, ҳар 8 та иш билан банд аҳолининг биттаси айнан туризм соҳасига тўғри келаётгани иқтисодийнинг ушбу тармоғини ривожлантириш қай даражада долзарб эканлигини исботламоқда.

Туризмни, авваламбор, хусусий секторда ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, кўрсатилаётган хизматларнинг рақобатбардошлигини ва сифатини ошириш, миллий туризм маҳсулотини дунё бозорида фаол ва комплекс равишда тарғиб қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига 2018 йил 28 декабрда қилган Мурожаатномасида билдирилган таклифларни амалда татбиқ этиш мақсадида ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ туризм фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, туризмни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратишга қаратилган халқаро меъёр ва стандартларни имплементация қилиш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда мақбул ва қулай туризм муҳитини яратиш, транспорт логистикасини ривожлантириш, ички ва ташқи йўналишларни кенгайтириш, транспорт хизматлари сифатини ошириш, туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш, республика ичида туризм хизматларига бўлган эҳтиёжни қондиришга йўналтирилган туризм фаолияти субъектларининг фаоллигини рағбатлантиришни таъминловчи ички туризмни ривожлантириш ва Ўзбекистон Республикаси туризм маҳсулотини халқаро ва ички туризм бозорларида тарғиб қилиш, мамлакатнинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз сифатидаги имиджини мустаҳкамлаш каби вазифалар соҳа олдида турган муҳим вазифалар ҳисобланади [1].

Юқорида келтирилган муаммоларни ҳал этиш ва вазифаларни бажарилишини Фарғона вилоятидаги аҳолини ўрганиш, вилоят ҳудудида жойлашган турли тарихий зиёратгоҳларни туризм нуқтаи назаридан ўрганиш ҳамда тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ушбу тадқиқотдан кўзланган мақсадимиздир.

Туризм тармоғининг энг сердаромад соҳаси бугунги кунда зиёрат туризми ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси туризмнинг ушбу тармоғини ривожлантириш бўйича юқори потенциалга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Айниқса Фарғона вилояти нафақат ўзининг рекреацион имкониятлари билан, балки туризмнинг бошқа тармоқларини ривожлантириш учун ҳам юқори салоҳиятга эга. Жумладан Фарғона водийсида ҳозирда умумий ҳисобда 400 дан зиёд зиёратгоҳлар мавжудлиги соҳа тараққиётининг кафолати ҳисобланади. Хатто Япониянинг “Форд” компанияси томонидан “Нара ипак йўли” халқаро лойиҳаси доирасида Фарғона водийси ва Шарқий Туркистон ҳудудидаги барча зиёратгоҳлар тадқиқ этилди. Бунинг натижасида Фарғона водийсидаги зиёратгоҳлар кўплиги ва уламоларнинг диний таълимот ривожига қўшган ҳиссаси бўйича Самарқанд ва Бухоро уламоларидан кўра улуғроқдир деб таъкидлаган. [2] Бундан ташқари 1994 йилдан ЮНЕСКО нинг ташаббуси билан “Буюк Ипак йўли” лойиҳаси доирасида туризмни ривожлантириш концепциясидан келиб чиқиб, Фарғона водийси аҳолиси маданияти, анъана ва қадриятлари ўрганилди[4]. Фарғона водийсида зиёрат туризмни ривожлантириш минтақа сайёҳлик салоҳиятини оширишда, туризм имиджини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Бироқ шуни эътироф этиш лозимки, Фарғона водийсидаги аксарият муқаддас қадамжолар ислом динининг дастлабки кириб келган даври билан боғлиқ эканлигини кўришимиз мумкин.

SOCIAL AND ECONOMIC SCIENCES

Фарғона вилоятининг Данғара тумани Боғиш қишлоғида жойлашган Хўжаи Туроб бува зиёратгоҳидан минтақа туризм имиджини шакллантиришда фойдаланиш мумкин бироқ, туризм бренди сифатида эътироф эта олмаймиз. Биринчидан бу зиёратгоҳ Имом Муҳаммад Боқирга нисбат берилди. Имом Боқир (676- 734) яшаб ўтган Мадинада туғилиб, Мадинада дафн этилганлиги манбаларда қайд этилган. Бу зиёратгоҳ эса рамзий мақбара эканлигини кўрсатади. Иккинчидан ташқи туризмни ривожлантиришда ушбу зиёратгоҳдан фойдаланиш диний ва дунёвий билимга эга бўлган сайёҳлар ва зиёратчилар ўртасида турли ихтилофларнинг чиқишига олиб келиши мумкин. Ушбу зиёратгоҳдан фақат маҳаллий туризмни ривожлантиришда фойдаланиш кўпроқ мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда жаҳон зиёрат туризми тажрибасига назар ташлар эканмиз, Буддизм кенг тарқалган мамлакатларда Будданинг турли ашёлари, христиан дини кенг тарқалган ҳудудларда эса Исо Масих номи билан боғиқ ашёларни муқаддаслаштириш кенг тарқалган бўлса, ислом динида Муҳаммад (с.а.в.) номи билан боғлиқ турли ашёларни муқаддаслаштириш кенг тарқалган. Жумладан, Фарғона водийсида ҳам айнан пайғамбаримизнинг мўйлари яъни соч толалари сақланадиган зиёратгоҳлар Марғилон ва Қўқон шаҳарларида учратишимиз мумкин. Айни дамда бундай муқаддас ашёлар асосан Покистон, Ҳиндистон, Эрон, Туркия давлатларида сақлансада, Ўрта Осиё ҳудудларига бундай ашёлар IX-X аслардан бошлаб олиб келина бошланган. Қўқон шаҳридаги Мўйи Муборак зиёратгоҳи Қўқон хони Муҳаммад Алихон даврида шаклланган. Бир вақтнинг ўзида хон қароргоҳларидан бири вазифасини ўтаган. Бугунги кунда зиёратгоҳ ўзининг асл холатини йўқотган ва таъмирталаб холатга келиб қолган. Бу зиёратгоҳдан туризм имиджини шакллантиришда фойдаланиш учун, Муҳаммад Алихон, Худоёрхон даври театрлаштирилган томошалари ва халқ ўйинлари ташкил этиш орқали туризмни ривожлантирилса соҳа жозибadorлиги ошиши мумкин холос. Чунки пайғамбаримиз номи билан боғлиқ ашёлар айни дамда тарих силсиласида юртимиздаги Мўйи Муборак номли ҳоноқоларнинг биронтасида бизнинг давримизгача етиб келмаган[5].

Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида Саййид Баттол Ғозий номи билан боғлиқ зиёратгоҳ мавжуд бўлиб, бу киши 739 йилда Византияга қарши урушда шаҳид бўлиб, Румда дафн этилган. Бироқ унинг номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар Марказий Осиё жумладан Фарғона водийсида ҳам кўплаб зиёратгоҳлар мавжуд. Бундай зиёратгоҳларнинг кўплаб учраши Ислом дини тарғиботчилари номидан, айниқса, Хазрати Али авлодларини халқ орасидаги обрў – эътиборидан фойдаланиш туфайли улар билан боғлиқ зиёратгоҳлар пайдо бўлган. Ушбу зиёратгоҳ ҳам бевосита ташқи туризм жозибadorлигини оширишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас, шунингдек, юртимиз бўйлаб унинг номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар сони кўплиги ҳам турли тушунмовчиликларга олиб келиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда, асосан маҳаллий туризмни ривожлантиришда ёки “*Ислом динини ёйиши йўллари бўйлаб саёҳат*” маршрутлари тузуш орқалигина ташқи туризмни имиджини шакллантиришда фойдаланиш мумкин[6].

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, юртимизда аёллар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар ҳам талайгина эканлигини кўришимиз мумкин. Жаҳон диний туризм тажрибасига эътибор қаратилса, Буддизм, Христиан динида ҳам аёллар номи билан боғлиқ зиёратгоҳларни кўришимиз мумкин. Ислом оламида ҳам бундай зиёратгоҳлар кўплаб учрайди. Фарғона водийсидаги Мушкулкишод она зиёратгоҳи, Сафед Булон(Наманган в.) Зурайк момо ва Биби Убайда зиёратгоҳлари Фарғона водийсидаги энг машхур зиёратгоҳлар сарасига киради.

Олтиариқ тумани Файзиобод қишлоғида Бобо Қамбар зиёратгоҳи ҳам мавжуд бўлиб, ушбу зиёратгоҳ Ҳазрат Алининг отбоқари Бобо Қамбар дафн этилган деб ҳисоблашсада, Бобо Қамбарнинг асл қабри Куфа шаҳрида жойлашган. Ислом дунёсида Ҳазрат Алининг машхурлиги Бобо Қамбарнинг довуғини кенг тарқалишига сабаб бўлган. Бобо Қамбар момоқалдироқ ва ёмғир ҳомийси сифатида ҳам мурожаат қилинган. Туркий халқлар Бобо Қамбарни отбоқарлар ҳомийси деб билсалар, қирғиз ва уйғурлар йилқичилик ҳомийси

SOCIAL AND ECONOMIC SCIENCES

сифатида қарашса, туркманлар куйчи ва қўшиқчиларнинг ҳомийси деб ҳисоблашган. Шунинг учун ҳам Бобо Қамбар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар ислом дунёсида энг кўп зиёрат қилинадиган муқаддас қадамжолардан бири сифатида эътироф этилган.

Олтиариқ туманида Ҳазрат Алининг амакиваччаси Бобо Аҳтам зиёратгоҳи ҳам мавжуд бўлиб, Бобо Аҳтам ўзининг жасурлиги билан тарихда қолган. Ҳазрат Аҳтамнинг қабри аслида Балх шаҳрида жойлашган бўлсада, у кишига Ҳазрат Алининг кучли хурмати сабабли турли худудларда рамзий қабр зиёратгоҳлари пайдо бўлганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу туманда Ҳазрат Алининг ўғиллари номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар ҳам мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин. Туманнинг Бўрбалиқ қишлоғидаги Хуросон ота зиёратгоҳи 700 йил вафот этган Хуросонни эгаллашда ва аҳолини исломга киргизган Муҳаммад Ҳанафия номи билан боғлиқ. Биргина Фарғона водийсининг ўзида унинг номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар сони кўп бўлганлиги туфайли, Хўжа Илғор, Имом Ота, Тош ота номлари билан ҳам зиёратгоҳлар пайдо бўлишига сабаб бўлган.

Фарғона туманида Шоҳимардон қишлоғида Ҳазрат Али номи билан боғлиқ Фарғона водийсидаги энг машҳур зиёратгоҳ мавжуд. Шоҳимардондаги Ҳазрат Али зиёратгоҳи Бухоро амирлигидаги Боҳоуддин Нақшбандий зиёратгоҳи, Хивадаги Полвон ота зиёратгоҳидек Фарғона водийси зиёратгоҳларининг гултожи ҳисобланади. Хозирда мавжуд зиёратгоҳ 1993 йил марғилонлик уста Саййид Акбаралихон Омонуллохон тўра ўғли ва Исоқжон Охунов томонидан қайта бунёд этилган. Шунингдек Шоҳимардонда Ҳазрат Али номи билан боғлиқ Эллик пайсали тош, унинг рўпарасида Ҳазрат Алининг тобутини олиб келган туя номи билан боғлиқ туятош ҳам халқ томонидан муқаддаслаштирилган. Шу билан бир қаторда Ҳазрат Алининг тўртинчи авлоди Шоҳ Толибнинг зиёратгоҳи мавжуд. Шоҳ Толиб Ҳазрат Алининг Фарғонадаги дастлабки мақбарасини барпо қилган. Шоҳимардон қишлоғида Ҳазрат Алининг чодирбони Умар Уммия номи билан боғлиқ зиёратгоҳ ҳам жойлашган. Оксув мазор зиёратгоҳи Ҳазрат Алининг оқ туяси номи билан боғлиқ. Бешпанжа Ҳазрат Алининг зулфикор қиличи билан кесиб кўл ҳосил бўлганлиги тўғрисида ривоятлар пайдо бўлган. Ҳазрат Алининг олтин бешиги билан боғлиқ зиёратгоҳ Шоҳимардон тоғидаги ғорда жойлашганлиги тўғрисида ривоятлар мавжуд. Ёрдон қишлоғида эса, Ҳазрат Алининг тобути ортилган туянинг биринчи тиз чўккан жой сифатида халқ томонидан муқаддас қадамжо сифатида зиёрат қилиб келинади[6]. 2019 йил 3 октябрдаги “Фарғона вилоятининг туристик салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ҳукумат қарори билан Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳузурида давлат муассасаси шаклидаги “Шоҳимардон” туризмни ривожлантириш дирекцияси ташкил этилди. Дирекциянинг асосий вазифаларидан бири Фарғона тумани “Шоҳимардон” ва “Ёрдон” МФЙларда туризмни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини таъминлаш, ушбу МФЙларнинг экотуризм салоҳиятини инобатга олган ҳолда янги туризм йўналишларини ишлаб чиқишдан иборат.[7]

Марғилон шаҳридаги пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) номи билан боғлиқ Мўйи Муборак зиёратгоҳи водий халқининг “муборак мўйи” шарафига ўтказиладиган руҳоний анжуманларда, мавлудхонлик кунларида ўз пайғамбарларига бўлган буюк муҳаббатларини, севгиларини, ихлос ва эътиқодларини номоеън этишган. Муборак мўйи ҳузурида одамлар аввал ўқиб-ўрганилган пайғамбар тарихини, у ҳақдаги хотираларини ва ирфоний билимларини қайта бошдан ёдга олишган. У шоирларга илҳом бериб, ажойиб наът ва муножотларнинг яратилишига сабабчи бўлган.

Марғилон шаҳрининг Йўрмадўз маҳалласида Қутайба ибн Муслим бошчилигида Фарғона водийсига ислом динини тарғиб қилиш мақсадида келган араб жангчилари дафн этилган Шоҳ Мансур ва Носиршоҳ зиёратгоҳи халқ орасида машҳур бўлишининг асосий сабабларидан бири унинг бевосита Ҳазрат Алининг набираси эканлиги билан боғлиқдир. Шоҳ Мансур зиёратгоҳи рамзий мақбара эмас, балки ҳақиқий қабри ҳисобланади. Уммавийларнинг Ироқдаги ноиб Хажжож ибн Юсуф даврида пайғамбаримиз авлодлари ҳам таъқибга учраши оқибатида Ўрта Осиё худудига кўплаб Ҳазрати Али авлодлари ҳам

SOCIAL AND ECONOMIC SCIENCES

кўчиб ўтишади. Шу билан бирга Фарғона водийсида ҳам Хазрат Али номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар кўпайди.

Марғилон шаҳри Ёйилма маҳалласида Хўжа Маъоз зиёратгоҳи Муҳаммад (с.а.в.) нинг Маъоз ибн Жабал исмли фақиҳ ва ровий саҳобаларидан бири бўлган. У киши 640 йили вафот этган бўлиб, Мовароуннаҳрга келмаган бўлсада унинг номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар Фарғона водийсидан ташқари Хоразмда ҳам унинг номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар жойлашган. Ушбу зиёратгоҳлар ҳам бевосита маҳаллий туризмни ривожлантиришда муҳим объектлар саналади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Биринчидан, Фарғона вилояти ҳудудидаги кўплаб тарихий обидалар, қадамжолар ва зиёратгоҳлар мавжуд бўлиб уларнинг кўпчилиги қисми маҳаллий туризмни ривожлантиришда муҳим объектлар саналади. Иккинчидан, кўплаб зиёратгоҳлар ислом динини ёйилиш даври билан боғлиқ бўлиб, уларни соҳа олимлари вакиллари томонидан илмий ўрганилишини ташкил этиш ва ташқи туризмни ривожлантиришда ушбу зиёратгоҳдан фойдаланишда диний ва дунёвий билимга эга бўлган сайёҳлар ва зиёратчилар ўртасида турли ихтилофларнинг чиқишига олиб келишини олдини олиш зарур.

Вилоятдаги мавжуд қаровсиз ётган зиёрат туризми объектларини назоратга олиш, ушбу жойларни аҳолини рекреацион талабларидан келиб чиққан ҳолда реконструкция қилиш ва бевосита маҳаллий туризмни ривожлантиришни амалга ошириш зарурдир.

“Ислом динини ёйилиши йўллари бўйлаб саёҳат” ва шу каби маршрутлар тузуш орқалигина ташқи туризм имиджини шакллантириш ва ривожлантириб бориш мумкин.

Ўзбекистоннинг туристик-логистика жозибадорлигини тубдан яхшилаш, бунда аввало: маҳаллий аэропортларда парвозларга хорижий авиакомпанияларни жалб этиш, биринчи навбатда Европа ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан транспорт алоқа тизимини тубдан яхшилаш;

“Зиёрат” туризми йўналиши орқали туристлар оқимини ошириш, шу жумладан мусулмон давлатлардан доимий авиақатновларни очиш учун авиакомпанияларни жалб қилиш масалаларини тезкорлик билан ҳал этиш;

мамлакат ичкарасида интермодал ташувларни (автобус, темир йўл ва авиаташувлар) таъминлаш учун туристларнинг транспорт ташувини янада ривожлантириш ва истеъмолчилар учун чипталар нархини оптималлаштиришга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар

- [1]. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: 06/18/5611/2430-сон 06.01.2019 й. // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сон Фармони.
- [2]. Фарғона вилояти Давлат архиви. 1160 - фонд, 1 - рўйхат, 5 - йиғма жилд, 8 - варок.
- [3]. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Истироҳат боғлари ва яшил зоналарни ташкил этиш методологияси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 17 августдаги 671-сон Қарори. Фарғона вилояти Давлат архиви. 1160 - фонд, 1 - рўйхат, 8 - йиғма жилд, 18 - варок
- [4]. Фарғона вилояти Давлат архиви. 1141 - фонд, 1 - рўйхат, 48 - йиғма жилд, 1 - варок.
- [5]. Фарғона вилояти Давлат архиви. 1160 - фонд, 1 - рўйхат, 6 - йиғма жилд, 6 - варок.
- [6]. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: 09/19/843/3858-сон 03.10.2019 й. // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 октябрдаги “Фарғона Вилоятининг туристик салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 843-сон қарори.